

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил январь ойининг “6” куни жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди, Ўзбекистон тумани Қўрғонча м.ф.й. Бодомзор кўчаси 34-уйда, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Ф.Қосимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ўзбекистон туман прокурори О.Собиров, гумонланувчи Н.Машокиров ва унинг ҳимоячиси “Адвокат Б Тўйчиев” адвокатлик бюроси адвокати Б.Тўйчиев, жабрланувчи Н.Нишоновларнинг иштирокида,

Машокиров Нуриддин Мамадолимович (Mashokirov Nuriddin Mamadolimovich), 1982 йил 11 августда Бешариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бешариқ тумани, Янги Рапқон м.ф.й., Юқори кўчаси рақамсиз уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланувчига оид 1-1504-2601/5-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумонланувчи Н.Машокиров 2025 йил 27 октябрь куни соат 14:30 ларда бошқарувидаги “Дамас” русумли 40 О 537 РВ давлат белгили автомашинасини “Яйпан-Рапқон” автомашина йўли бўйлаб бошқариб Қўрғонча қишлоғи ҳудудига етиб келган вақтида “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандида кўрсатилган “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир: Ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлаши; ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, шунингдек, 77-бандида кўрсатилган “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак. Транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариши учун ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, деган талабларни қўпол равишда бузиб, ўзига нисбатан йўлнинг ўнг тарафида йўлнинг четида ҳаракатланиб кетаётган велосипедчи Н.Нишоновни



автомашинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл-транспорт ходисасини содир этган. Натижада, пиёдачи велосипедчи Н.Нишонов тан жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 12 ноябрдаги № 751-сонли хулосасига кўра, велосипедчи Н.Нишоновда чап сон суягини ёпиқ синиши, чап сон соҳасида қонталаши каби тан жароҳатлари бўлиб, бу тан жароҳатлар оғир тан жароҳатлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Дастлабки суриштирув органи томонидан Н.Машокиров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Гумонланувчи Н.Машокиров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Нишонов суд мажлисида ярашув тўғрисида ариза тақдим этиб, ушбу аризасини қувватлаб, Н.Машокировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйик ўтказмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Н.Нишонов ва гумонланувчи Н.Машокировнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Ўзбекистон туман прокурори ва ҳимоячи Б.Тўйчиевларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумонланувчи Н.Машокировнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумонланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумонланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Н.Машокировга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи Н.Нишоновага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи Машокиров Нуриддин Мамадолимович (Mashokirov Nuriddin Mamadolimovich), ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин, мазкур жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан иш юритишдан тугатилсин.

Жабрланувчи Н.Нишоновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тараф ажрим эълон қилинган кундан бошлаб шу суд орқали Фарғона вилоят судига ўн кун ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

М.Марахимов

Маъсул судья: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович

